



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 27 » sentabr № 500

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солиш, унинг мақомини, асосий вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чоратадбирлари тўғрисида” 2023 йил 20 июндаги ПФ–101-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси хузуридаги Экспертлар кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўта муҳим гидротехника иншоотларининг рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

ер усти сувлари объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ер усти сувлари объектларида сувдан фойдаланишга доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари биносига белгиланган меъёрлар бўйича текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 27 ” сентябрдаги 500-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни
назорат қилиш инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда –Инспекция) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Инспекция Ўзбекистон Республикасидаги ўта муҳим гидротехника иншоотлари хавфсизлиги ҳамда ер усти сувлари объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилишини назорат қиладиган орган ҳисобланади.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) бўйсунди ва унга ҳисобот беради.

4. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг буйруқларига ва мазкур Низомга амал қилади.

5. Инспекция ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарлигида, шунингдек, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Инспекциянинг қонунчилик ҳужжатлари ва ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва кўрсатмалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

8. Инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси;

қисқартирилган номи – “Сувхўжаликназорат” инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Инспекция по контролю за безопасностью объектов водного хозяйства и водопользованием при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – инспекция “Водхознадзор”;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Inspection for control of safety and water use of water management facilities under the Ministry of Water Management of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – “Watermanaginspection”.

2-боб. “Сувхўжаликназорат” инспекциясининг тизими

9. Инспекция тизимига қуйидагилар киради:

Инспекциянинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар);

“Гидротехника иншоотларининг диагностикаси маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Диагностика маркази).

3-боб. “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари вазифалари ҳамда функциялари

“Сувхўжаликназорат” инспекциясининг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўта муҳим гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларини жойлаштириш ва лойиҳалаштириш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидаларини ишлаб чиқиш ва мезонларини белгилаш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

ер усти сувлари объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг барқарор ишлашини назорат қилиш;

ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юритилишини назорат қилиш.

Инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11. Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқади;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ва уларнинг хавфсизлик декларацияларига ва мезонларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини жойида ўрганиш, натурада кузатиш ва диагностика қилиш ишларини амалга оширади;

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда давлатлараро ва чегаравий сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш масалаларини чегарадош давлатлар билан тартибга солишда иштирок этади;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

хўжалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун гидротехника иншоотлари ҳудудларидан, дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларидан (сув муҳофазаси зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) фойдаланишни келишади;

ваколатли органларга сув муҳофазаси зоналарини, сув омборлари, дарёлар, каналлар ва коллекторларнинг соҳилбўйи минтақаларини белгилаш ишларини ташкил этишда кўмаклашади, ушбу зоналар ва чизиқларга қўйиладиган талабларнинг бажарилишини назорат қилади;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир техник топшириқларни ҳамда фойдаланиш бўйича қоидаларни келишади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларацияларини давлат экспертизасидан ўтказиши ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

гидротехника иншоотлари кадастрини юритади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқади ва мезонларини белгилайди;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини лойиҳа, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда ўрганади ҳамда тегишли таклиф ва хулосалар беради;

гидротехника иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича ишчи ва Давлат комиссиялари таркибида иштирок этади ҳамда тегишли таклиф ва хулосалар беради;

гидротехника иншоотларини консервациялаш ва тугатиш бўйича лойиҳаларни ўрганиб чиқади ҳамда тегишли таклиф ва хулосалар беради;

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича белгиланган тартибга сув хўжалиги ташкилотлари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари томонидан қатъий риоя этилишини назорат қилади;

сув хўжалиги объектларидан сув олиш лимитлари (вегетация ва новегетация даври учун) тасдиқланганлиги, уларга риоя қилиниши ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига амал қилинишини назорат қилади;

сув объектларидан олинадиган ва уларга қўйиладиган дастлабки сув миқдорининг ҳисоби тўғри ва аниқ юритилишини ўрганади;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари жавобгарлигини кучайтириш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилишини назорат қилади;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонларда ушбу технологиялардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини иш режаси асосида назорат қилади;

ирригация ва мелиорация тизимлари, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларида сув ресурсларининг самарали бошқарилишини назорат қилади;

ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг тасдиқланган сув олиш лимитлари бўйича сув ресурслари билан таъминланиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилишини назорат қилади;

ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларининг ҳолатига таъсир этувчи омилларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилади;

сув ресурслари, ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларидан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилишини назорат қилади;

ваколати доирасидаги ишлар бўйича текширувлар ўтказди;

сув ресурсларининг исрофгарчилиги, гидротехника, мелиорация иншоотларидан фойдаланиш ҳолатларини ўрганади;

аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий жазолар қўллаш бўйича баённомалар расмийлаштиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантиради;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахсларига ҳамда жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

соҳада қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколати доирасида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритади, Инспекция ваколати доирасидаги ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазолар қўллайди;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш тартиби бузилганлиги учун жарима санкциялари қўллайди;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётини таҳлил қилади, уларнинг ҳисобини юритади ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантиради.

Инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ёки ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази орқали амалга оширади.

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси марказий аппаратининг асосий вазифалари ва функциялари

13. Қуйидагилар Инспекция марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази билан биргаликда Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

Инспекция марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари асосида зарур чоралар кўриш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирликка киритиш.

Инспекция марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14. Инспекция марказий аппарати қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

Инспекция ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришилишини сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чоралар кўради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

ҳалқаро ҳамкорликни ташкил этади;

ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг буйруқлари бажарилишини тизимли назорат қилади;

ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази фаолиятини мувофиқлаштиради ва методик назорат қилади;

Инспекция ўз ваколати доирасида тегишли тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий ва бошқа масалаларни ҳал қилади.

Инспекция марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ҳудудий бошқармаларнинг асосий вазифалари ва функциялари

15. Қуйидагилар ҳудудий бошқармаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, ишончли ишлаши ҳамда кўриқланиши бўйича назорат ўрнатиш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларини жойлаштириш ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишга оид техник топшириқларни келишиш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларини куриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

ер усти сувлари объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қондаларига риоя этилишини назорат қилиш;

ирригация тизими ва суғориш тармоқларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг барқарор ишлашини назорат қилиш.

Худудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Худудий бошқармалар қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири ва Инспекция бошлиғининг буйруқларини бажаради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар, тегишли идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда ўта муҳим гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда беҳатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга оид таклифлар ишлаб чиқади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда беҳатар ишлаши бўйича инспекторлик текширувлари ўтказиши;

гидротехника иншоотларининг ҳолати ва уларнинг хавфсизлик декларацияларига мувофиқлигини текширади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда беҳатар ишлашини ўрганиш бўйича худудий ишчи гуруҳлар ишида иштирок этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларациялари белгиланган тартибда сифатли ишлаб чиқилиши ва экспертизага тақдим этилишини назорат қилади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги ва сувдан фойдаланиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этади;

хўжалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун гидротехника иншоотлари худудларидан, дарё ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори худудларидан (сув муҳофазаси зоналаридан ер участкаларини бериш бундан мустасно) фойдаланишни келишади;

ваколатли органларга сув муҳофазаси зоналари, сув омборлари, сел-сув омборлари, дарёлар, каналлар ва коллекторларнинг соҳилбўйи минтақаларини белгилаш ишларини ташкил этишда кўмаклашади, ушбу зона ва чизиқларга қўйиладиган талабларнинг бажарилишини назорат қилади;

гидротехника иншоотларида авария ҳолатлари ва табиий офатларни бартараф этиш ишларида иштирок этади;

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича белгиланган тартибга сув хўжалиги ташкилотлари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари томонидан қатъий риоя этилишини назорат қилади;

сув хўжалиги объектларидан сув олиш лимитлари (вегетация ва новегетация даври учун) тасдиқланганлиги, уларга риоя қилиниши ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига амал қилинишини назорат қилади;

сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган дастлабки сув микдорининг ҳисоби тўғри ва аниқ юритилишини ўрганади;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари жавобгарлигини кучайтириш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш юзасидан зарур чоралар кўрилишини назорат қилади;

ирригация ва мелиорация тизимлари, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларида сув ресурсларининг самарали бошқарилишини назорат қилади;

худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг тасдиқланган сув олиш лимитлари бўйича сув ресурслари билан таъминланиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилишини назорат қилади;

ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларининг ҳолатига таъсир этувчи омилларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилади;

сув ресурслари, ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларидан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилишини назорат қилади;

ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг юритилишини назорат қилади;

ваколати доирасидаги ишлар бўйича текширувлар ўтказиши;

сув ресурсларининг исрофгарчилиги, гидротехника, мелиорация иншоотларидан фойдаланиш ҳолатларини ўрганади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантиради;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, идоравий бўйсунуви ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахсларига ҳамда жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

соҳада қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколати доирасида идоравий бўйсунуви ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритади, ўз ваколати доирасидаги ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазолар қўллайди;

суддан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш тартиби бузилганлиги учун жарима санкциялари қўллайди;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётини таҳлил қилади, уларнинг ҳисобини олиб боради ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантиради.

Ҳудудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

“Сувхўжаликназорат” инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

17. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Инспекцияга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалардан зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материалларни бепул олиш;

гидротехника иншоотларига монеликсиз кириш, уларнинг хавфсизлиги ва ишончли ишлаши юзасидан техник назоратни ташкил этиш масалалари, уларнинг қўриқланиши ҳамда муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақалари белгиланганлиги тўғрисидаги материаллар билан танишиш;

ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг техник ва хавфсизлик ҳолати бўйича назорат ўрнатилганлигини текшириш;

гидротехника иншоотларининг ҳолати, улардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ахборотини эшитиш;

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг ишончилиги, улардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатлари, тадбирлар режалари, буйруқлар, йўриқномалар, маълумотлар ва бошқа материалларни талаб қилиш ва олиш, зарурат бўлганда, вазирликлар ва идоралар мутахассисларини жалб этиш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларини техник соз ҳолатда сақлаш ва муҳофаза қилиш, уларнинг хавфсизлигини ва ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда аниқланган камчиликларни, шунингдек, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар киритиш;

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолатларда гидротехника иншоотларини лойиҳалаштирувчи, қурувчи ва улардан фойдаланувчи ташкилотларга кўрсатмалар бериш ва уларни бажармаган тақдирда, лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларидан фойдаланиш ёхуд дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш;

ўта муҳим гидротехника иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар раҳбарлари ва хавфсизлик талаблари учун масъул бўлган раҳбар-мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича юқори турувчи идораларга таклифлар киритиш;

Инспекцияга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалардан зарурат бўлганда ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материалларни бепул олиш;

текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш ёки қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини жалб этиш, қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

зарур ҳолларда, давлат органлари ва назорат қилувчи органлар ходимларини ҳамда уларнинг воситаларини ўз функцияларини бажариш жараёнида жалб этиш;

сувдан фойдаланиш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилиш;

юкланган бошқа вазифаларни самарали амалга ошириш.

Инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Инспекция ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

**“Сувхўжаликназорат” инспекцияси марказий аппаратининг
ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

19. Инспекция марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика марказидан Инспекция марказий аппаратида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни сўраш ва олиш;

Инспекцияда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материаллар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш учун белгиланган тартибда ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази раҳбарлари ва вакиллари жалб қилиш, бу мақсадларда эксперт ва ишчи гуруҳларни тузиш;

ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

тезкор ҳал этиш талаб қилинадиган ва Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда ҳудудий бошқармаларга ҳамда Диагностика маркази раҳбарига топшириқ бериш;

ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази раҳбари томонидан марказий аппарат ва унинг раҳбарияти топшириқлари бажарилишини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш.

Инспекция марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Инспекция марказий аппарати:

ҳудудий бошқармалар билан биргаликда Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида самарали бажарилиши, марказий аппарат ходимлари ишини ташкил этиш, Инспекция фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги ва сувдан фойдаланиш бўйича назорат тизимини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бошқа муаммоли масалалар бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталар”нинг бажарилиши ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши учун жавобгардир.

Ҳудудий бошқармаларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

21. Ҳудудий бошқармалар ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Инспекция марказий аппарати, тегишли идоралар ва ташкилотлардан ўзларига юкланган вазифаларни комплекс амалга ошириш учун зарур бўлган материалларни олиш;

гидротехника иншоотларига монеликсиз кириш, уларнинг хавфсизлиги ва ишончли ишлаши юзасидан техник назоратни ташкил этиш масалалари, уларнинг қўриқланиши ҳамда муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақалари белгиланганлиги тўғрисидаги материаллар билан танишиш;

режали инспекторлик текширувларини ўтказиш учун “Сувхўжаликназорат” давлат инспекцияси марказий аппарати мутахассисларини жалб қилиш;

гидротехника иншоотларини техник соз ҳолатда сақлаш ва муҳофаза қилиш, уларнинг хавфсизлигини ва ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда аниқланган камчиликларни, шунингдек, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар киритиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолатларда гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш ёхуд дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш;

гидротехника иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар раҳбарлари ва хавфсизлик талаблари учун масъул бўлган раҳбар-мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича Инспекцияга таклифлар киритиш;

Инспекцияга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалардан зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материалларни бепул олиш;

текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш ёки қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини жалб этиш, қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб берилган даъволар ҳамда аризалар юзасидан давлат божисиз судга ёки бошқа органга мурожаат этиш;

зарур ҳолларда, давлат органлари ва назорат қилувчи органлар ходимларини ҳамда уларнинг воситаларини ўз функцияларини бажариш жараёнида жалб этиш;

сув хўжалигига оид қонунчилик ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилиш;

юкланган бошқа вазифаларни самарали амалга ошириш.

Худудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Худудий бошқармалар:

Инспекция марказий аппарати билан биргаликда Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги ва сувдан фойдаланиш бўйича назорат тизимини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бошқа муаммоли масалалар бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталар”нинг бажарилиши ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши учун жавобгардир.

5-боб. “Сувхўжаликназорат” инспекцияси раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

23. Қуйидагилар Инспекция бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

Инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Инспекцияга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Инспекция, шунингдек, худудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ўз ўринбосарининг ваколатларини белгилаш, Инспекция бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Инспекция фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун уларнинг шахсий масъулият даражаларини белгилаш;

Инспекция фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, узоқ муддатли ва жорий иш режаларини, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Инспекция тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Инспекциянинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Инспекция ваколатига тегишли масалалар бўйича буйруқлар чиқариш, кўрсатмалар бериш ва зарур ҳолларда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорларни қабул қилиш;

Инспекция раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равишда амалга ошириш ва ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Инспекция ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Инспекция ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

Инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Инспекция тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан

бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, шахсий қабулларни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Инспекция ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

марказий аппарат ходимлари, ҳудудий бошқармалари ҳамда Диагностика маркази раҳбарларини белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш;

Диагностика маркази устави ва штат жадвалини тасдиқлаш;

ўз ваколати доирасида Инспекция ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Инспекцияга юкланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, лойиҳа ташкилотлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиш;

зарур ҳолларда, вазирнинг келишув хатига асосан ходимларнинг штатдаги белгиланган умумий сони доирасида Инспекция тузилмасига ўзгартиришлар киритиш.

Инспекция бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Қуйидагилар Инспекция бошлиғи ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

Инспекция бошлиғи вақтинча ишда бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Инспекциянинг ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

Ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонига ва “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Инспекциянинг йиғилиш қарорлари, Инспекция бошлиғининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ишларни амалга ошириш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш.

Инспекция бошлиғи ўринбосари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Қуйидагилар Инспекция марказий аппарати ходимларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

Инспекция марказий аппаратиغا юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази фаолиятини мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш, ҳудудий бошқармалар ҳамда Диагностика маркази ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашига қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни Инспекция бошлиғи ўринбосарига киритиш;

Инспекциянинг йиғилиш қарорлари, бошлиқ ва унинг ўринбосарининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ходимларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини, уларнинг тасдиқлаш учун киритилишини, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ходимлар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Инспекция раҳбариятига киритиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Инспекция ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Инспекция ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ишларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон

қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш.

Инспекция марказий аппарати ходимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

26. Қуйидагилар Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

ўз фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Инспекциянинг йиғилиш қарорлари, Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ходимларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Инспекция ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ишларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида

ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш.

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6-боб. “Сувхўжаликназорат” инспекцияси раҳбарларининг жавобгарлиги

27. Инспекция бошлиғи:

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши; ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

28. Бошлиқ ўринбосари:

мутасаддилик қилинадиган ходимлар томонидан Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

29. Марказий аппарат ходимлари:

марказий аппарат ходимларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

30. Ҳудудий бошқармалар:

ҳудудий бошқармаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

7-боб. “Сувхўжаликназорат” инспекцияси фаолиятини ташкил этиш

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси раҳбарияти

31. Инспекцияга Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Инспекция бошлиғининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

32. Инспекция бошлиғи:

Инспекция марказий аппарати ходимларини ишга қабул қилади ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилади;

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиғи вазири билан келишган ҳолда ишга қабул қилади ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлик ҳайъати мажлисларида, йиғилишларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Инспекция бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

33. Диагностика маркази ўта муҳим гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ишончилигини диагностика қилади, жойларда ўрғанади, натурада кузатув ишларини амалга оширади ва кадастрларни юритиш ишларини, шунингдек, хавфсизлик декларацияси экспертизасини амалга оширади.

Диагностика маркази фаолияти Инспекция томонидан сув хўжалиғи объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар ва бошқа буюртмачилар билан тузилган шартномаларга мувофиқ бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси марказий аппарати ходимларининг ҳудудий бошқармалар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

34. Инспекция марказий аппарати ходимларининг ҳудудий бошқармалар билан ўзаро ҳамкорлиги Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари томонидан таъминланади.

35. Инспекция марказий аппарати ходимлари:

ҳудудий бошқармаларга ҳамда Диагностика марказига раҳбарият топшириқларини етказиши ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Диагностика марказига уларнинг бевосита фаолияти бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Диагностика маркази фаолиятини текширади ва ўрғанади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Диагностика маркази фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни тўплашни ташкил этади;

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Диагностика маркази иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чоралар кўради;

Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Диагностика марказидан тушган таклифларни кўриб чиқади.

36. Ҳудудий бошқармалар ва Диагностика маркази:

Инспекция раҳбарияти топшириқлари бажарилиши ҳақида ахборот беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Инспекция марказий аппаратида тақдим қилади;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш ва сувдан фойдаланишга қаратилган таклифларни Инспекция марказий аппаратида юборади.

37. Инспекциянинг марказий аппарати, Диагностика маркази, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ҳудудий бошқармалар ўртасида келиб чиқадиган низоли ҳолатлар, биринчи навбатда, Инспекция бошлиғи топшириғига биноан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда Инспекция бошлиғи ўринбосари томонидан, агар масала ҳал этилмаса, унда бевосита Инспекция бошлиғи томонидан кўриб чиқилади.

“Сувхўжаликназорат” инспекциясининг республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

38. Инспекция ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

39. Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади.

**“Сувхўжаликназорат” инспекцияси ҳузуридаги
Экспертлар кенгаши**

40. Инспекция ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқа ваколатли идораларнинг раҳбариятидан иборат бўлган Экспертлар кенгаши тузилади.

Инспекция бошлиғи лавозимида кўра Экспертлар кенгаши раиси ҳисобланади.

Экспертлар кенгаши таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Экспертлар кенгаши ўз ишини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади.

**8-боб. “Сувхўжаликназорат” инспекциясини молиялаштириш
ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш
ва уларни моддий рағбатлантириш**

41. Инспекциянинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Инспекция ходимларининг узлуксиз иш стажига – олий маълумот мавжуд бўлганда, мутахассислик бўйича лавозимлардаги, шу жумладан, раҳбарлик лавозимлари ҳамда бошқа турдаги касблардаги иш вақти киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Инспекция ходимлари моддий рағбатлантирилади.

Инспекция Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўз ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифларни ҳар йили 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига киритади.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

42. Инспекция қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

43. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 27 ” сентябрдаги 500-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни
назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг (кейинги ўринларда – Экспертлар кенгаши) асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Экспертлар кенгаши ўта муҳим гидротехника иншоотларидан бехатар фойдаланиш ва уларнинг ишончли ишлаши бўйича масалаларни кўриб чиқиб, улардан фойдаланиш тартибини белгиладиган коллегиял орган ҳисобланади.

Экспертлар кенгаши Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида” 2023 йил 30 августдаги ЎРҚ–865-сон Қонунига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ фаолият юритади.

3. Экспертлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг буйруқлари ҳамда ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

2-боб. Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари

4. Қуйидагилар Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги бўйича идоралараро самарали ҳамкорликни таъминлаш;

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги ва ишончли ишлаши бўйича устувор масалаларни кўриб чиқиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсиз ва ишончли ишлаши учун уларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар бериш;

гидротехника иншоотлари хавфсизлик декларациясининг экспертиза натижаларини кўриб чиқиб, тегишли хулосаларни қабул қилиш.

5. Экспертлар кенгаши:

а) ўта муҳим сув хўжалиги объектлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ҳамда хулосаларни инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ўта муҳим сув хўжалиги объектлари рўйхатини ўзгартириш бўйича таклифлар киритади;

б) қуйидагиларни:

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг экспертиза хулосаларини;

гидротехника иншоотлари диагностикаси ва хавфсизлик декларацияларининг экспертизаси билан боғлиқ меҳнат сарфлари нормаларини;

гидротехника иншоотларининг барқарор ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник талабларни;

гидротехника иншоотларининг барқарор ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастур ва чора-тадбирларни;

гидротехника иншоотлари хавфсизлик декларациялари ва уларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни экспертиза қиладиган экспертлар таркибини ҳар уч йилда бир марта;

экспертлар таркибини танлаш бўйича тартибни тасдиқлайди.

3-боб. Экспертлар кенгашининг ҳуқуқлари

6. Экспертлар кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича хулосалар, тавсиялар, таклифлар бериш ва қарорлар қабул қилиш;

тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлардан Экспертлар кенгаши ваколати доирасидаги масалаларни ҳал қилишга оид маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини, хавфсиз ишлашини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлардан қабул қилинган қарорлар, буйруқлар, тасдиқланган иш режалар, кўрсатмалар ва бошқа маълумотларни олиш, зарур ҳолларда, масалага алоқадор тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлардан мутахассисларни Экспертлар кенгаши ишига жалб қилиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик қоидалари кўпол равишда бузилган тақдирда, гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш бўйича таклифлар киритиш;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ёки дарё ўзанлари ҳамда уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотлари хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганда, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида таклифлар киритиш.

7. Экспертлар кенгаши аъзоларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

кенгаш йиғилишларида иштирок этиш;

хизмат сафарида ва бетоб бўлганда ёки бошқа муайян сабабларга кўра кенгаш йиғилишида иштирок этиш имкони бўлмаганда, кенгаш раиси билан ёзма равишда келишилган ҳолда ўзининг ўрнига ваколатли вакили иштирокини таъминлаш;

кенгаш йиғилишларида фаол иштирок этиш, кун тартибидаги масалалар, шунингдек, йиғилиш қарори лойиҳалари бўйича ўз таклифини бериш ҳамда қарор лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиш.

4-боб. Экспертлар кенгаши фаолиятини ташкил этиш

8. Экспертлар кенгаши мазкур Низомга иловада келтирилган таркибда ташкил этилади.

9. “Сувхўжаликназорат” инспекцияси бошлиғи Экспертлар кенгаши раиси (кейинги ўринларда – кенгаш раиси) ҳисобланади.

10. Экспертлар кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли вазирликлар ва идораларнинг раҳбариятидан иборат бўлади.

11. Экспертлар кенгаши фаолияти унинг котиби томонидан ташкил этилади. Экспертлар кенгаши котиби кенгаш аъзоси ҳисобланмайди.

12. Экспертлар кенгаши котиби:

Экспертлар кенгаши иш режалари бўйича таклифларни олади, таҳлил қилади ва иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил этади;

Экспертлар кенгаши йиғилишининг материаллари ва бошқа зарур ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида тайёрланишини ҳамда кенгаш раиси билан келишилишини таъминлайди;

Экспертлар кенгаши йиғилишини ташкил этади, кенгаш аъзоларини йиғилишдан камида уч кун олдин йиғилиш санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади, тегишли материалларни кўриб чиқиш учун етказди;

Экспертлар кенгаши йиғилиши якуни бўйича қабул қилинган қарорлар асосида кенгаш баённомаси лойиҳасини тайёрлайди, кенгаш аъзолари билан келишади ва белгиланган тартибда тасдиқланишини ҳамда кенгаш аъзоларига ва тегишли ижрочиларга етказилишини таъминлайди;

Экспертлар кенгаши йиғилишининг баённомалари ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда кенгаш раисига мунтазам равишда маълумотлар тақдим қилиб боради.

13. Экспертлар кенгаши йиғилиши кенгаш раиси ва унинг ўринбосари раҳбарлигида ҳамда кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ўтказилади.

Экспертлар кенгашининг ҳар бир аъзоси умумий қарордан норози бўлган тақдирда, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга ва бу баённомада қайд этилади.

Баённомада ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари кўрсатилади. Қўшимча таклиф этилган маслаҳатчилар, мутахассислар ва экспертлар овоз беришда иштирок этмайди.

14. Экспертлар кенгаши йиғилишлари унинг иш режасига мувофиқ, шунингдек, заруратга қараб ўтказилади.

15. Экспертлар кенгаши йиғилишларида муайян сабабларга кўра унинг айрим аъзолари иштирок этмаган тақдирда, кенгаш раиси билан ёзма равишда келишилган ҳолда уларнинг ваколатли вакиллари қатнашади.

16. Экспертлар кенгаши баённомаси кенгаш котиби ва йиғилишда иштирок этган кенгаш аъзолари томонидан имзоланади ҳамда кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва кучга киради.

17. Экспертлар кенгашининг ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича қабул қилган қарорлари тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

5-боб. Якунловчи қоида

18. Экспертлар кенгаши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини
ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
хузуридаги Экспертлар кенгаши тўғрисидаги низомга
илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни
назорат қилиш инспекцияси хузуридаги Экспертлар кенгаши
ТАРКИБИ**

- З. Ирисбоев – Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи в.в.б., *Экспертлар кенгаши раиси*
- А.С. Назаров – сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, *Экспертлар кенгаши раисининг ўринбосари*
- М.Я. Мухитдинов – фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари
- М.Ж. Ғаниев – Миллий гвардия кўмондонининг ўринбосари
- Б.Т. Амирсаидов – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
- Ж.С. Казбеков – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг ўринбосари
- О.А. Холхўжаев – “Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи
- М.Я. Махрамов – “Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи
- Ф.С. Агзамов – Гидрометеорология хизмати маркази хузуридаги Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти директори в.в.б.
- А.Б. Уразкелдиев – Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори в.б.
- Р.А. Паратов – “Гидролойиха” АЖ бош директори в.б.
- М.Ф. Наджимов – “Ўзсувлойиха” АЖ бош директори
- Ш.З. Кучқаров – Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг “Гидротехника иншоотларини диагностикаси маркази” ДУК бошлиғи
- Ш.А. Исмаилов – Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бўлими бошлиғи, *Экспертлар кенгаши котиби*

Изоҳ. *Экспертлар кенгаши аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, кенгаш таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган шахс киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 27 ” сентябрдаги 500-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни
назорат қилиш инспекцияси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва унинг таркибига кирувчи бюджет ташкилотлари (кейинги ўринларда – Инспекция) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Инспекция ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш қуйидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан Инспекция ходимларига:

40 фоиз миқдорида меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти;

узоқ муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига устама;

йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофот;

йилда бир марта ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобидан моддий ёрдам;

б) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан Инспекция ходимларига:

байрам кунлари учун мукофотлар;

хизмат мажбуриятларини виждонан бажарганлиги учун лавозим маошларига устамалар;

соғлиғини тиклаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида моддий ёрдам;

йилига бир марта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун моддий ёрдам.

2-боб. Инспекция ходимларининг узоқ муддат узлуксиз хизмати учун устама ҳақ тўлаш миқдори

3. Инспекция ходимларининг узоқ муддат узлуксиз хизмати учун устама ҳақ тўлаш миқдори куйидаги тартибда белгиланади:

Меҳнат стажи	Ғоиз миқдорида (рағбатлантириш коэффициентни ҳисобга олинган ҳолда)
2 йилдан 5 йилгача	10 ғоиз
5 йилдан 10 йилгача	20 ғоиз
10 йилдан 15 йилгача	30 ғоиз
15 йилдан 20 йилгача	40 ғоиз
20 йилдан 25 йилгача	50 ғоиз
25 йилдан ортиқ	60 ғоиз

Узоқ муддат узлуксиз хизмати учун тўланадиган устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Инспекция раҳбари томонидан тасдиқланади.

3-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ходимларни рағбатлантириш миқдори ва шартлари

4. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, Конституция куни, Янги йил ва Наврўз байрами учун ходимлар лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) бир бараваригача миқдорда рағбатлантирилади.

5. Хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган ташаббускор ходимларга лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 200 ғоизигача ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Устаманинг аниқ миқдори:

Инспекция бошлиғига – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан;

Инспекция ходимларига – Инспекция бошлиғи томонидан белгиланади.

6. Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) йўл-транспорт харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача ҳамда ходимнинг овқатланиш харажатларига кўмаклашиш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача миқдорда тўловлар амалга оширилади.

7. Зарур ҳолларда (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) икки ойлик лавозим маоши миқдорида (кам таъминланган оилалар, ходимнинг даволаниши, 50, 55, 60 юбилей ёши муносабати билан, шунингдек, пенсияга чиққанда, тўй, дафн маросими ва бошқалар учун) ходимларга касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда моддий ёрдам пули берилади.

8. Ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар йили бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорда тўлов амалга оширилади.

3-боб. Ходимларни рағбатлантириш тадбирларини молиялаштириш

9. Қуйидагилар Инспекция ходимларини рағбатлантиришни молиялаштириш манбаи ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарма маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш манбалари ва миқдори қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси ҳамда бюджетдан ташқари жамғарма бўйича харажатлар сметаси асосида белгиланади.

Инспекция Жамғарма маблағлари ҳисобидан ходимларни келгуси йилда рағбатлантириш бўйича харажатларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

11. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 27 ” сентябрдаги 500-сон қарорига
4-илова

**Ўта муҳим гидротехника иншоотларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
Қорақалпоғисон Республикаси				
Каналлар				
1.	Ўнг қирғоқ Туямўйин магистрал канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 200 м ³ /с Узунлиги - 31 км	Сув хўжалиги вазирлиги
2.	Пахта-арна канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 100 м ³ /с Узунлиги - 27,5 км	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Суенли канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 121 м ³ /с Узунлиги - 96,6 км	Сув хўжалиги вазирлиги
4.	Параллель канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 191 м ³ /с Узунлиги - 36 км	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Достлик канали (айрилиш иншооти билан)	I	Сув ўтказиш қобилияти - 380 м ³ /с Узунлиги - 24,5 км	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Кегейли канали	I	Сув ўтказиш қобилияти - 160 м ³ /с Узунлиги - 55,4 км	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Анасай канали (Бессага ПК 134 иншооти билан)	III	Сув ўтказиш қобилияти - 342 м ³ /с Узунлиги - 13,5 км	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Куаниш-жарма канали	I	Сув ўтказиш қобилияти - 200 м ³ /с Узунлиги - 81,2 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
9.	Тахиатош	I	Сув ўтказиш қобилияти - 11000 м ³ /с	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
10.	Пахта-арна канали бош иншооти	II	Сув ўтказиш қобилияти - 95 м ³ /с	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
Насос станциялари				
11.	Бек-яб	II	Сув чиқариш қобилияти - 66 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги

T/p	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
Коллекторлар				
12.	Бош жанубий Қорақалпоқ (ГЮКК)	III	Сув ўтказиш қобилияти - 100 м ³ /с Узунлиги - 111 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Андижон вилояти				
Сув омборлари				
1.	Андижон	I	Лойиҳавий сув ҳажми - 1900 млн.м ³ Тўғон баландлиги -115 м Ўзанли	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
2.	Асака - адир	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 3,5 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 24 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
3.	Шаҳрихонсой канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 240 м ³ /с Узунлиги - 108,2 км	Сув хўжалиги вазирлиги
4.	Андижонсой канали	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 50 м ³ /с Узунлиги - 76,6 км	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Савай канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 44 м ³ /с Узунлиги - 47,4 км	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Асака ташламаси	III	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м ³ /с Узунлиги - 75,8 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
7.	ЖФК бош иншооти	II	Сув ўтказиш қобилияти - 180 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Кампирравот	III	Сув ўтказиш қобилияти - 380 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
9.	Куйганёр	I	Сув ўтказиш қобилияти - 1200 м ³ /с	“Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
10.	Тешиктош	I	Сув ўтказиш қобилияти - 1389 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Қуйқулоқ	III	Сув ўтказиш қобилияти - 139 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
12.	Олтинқўл	III	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
13.	Асака	II	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
Гидроэлектр станциялар				
14.	Шаҳрихон ГЭС-5А	III	Қуввати - 11,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
15.	Шаҳрихон ГЭС-6А	III	Қуввати - 7,7 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
16.	ЖФК ГЭС-1	III	Қуввати - 2,2 мВт Агрегатлар сони - 1 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
17.	ЖФК ГЭС-3	III	Қуввати - 7,05 мВт Агрегатлар сони - 1 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
18.	Андижон 1 ГЭС	I	Қуввати - 140 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
19.	Андижон 2 ГЭС	II	Қуввати - 50 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Бухоро вилояти				
Сув омборлари				
1.	Қуйимозор	II	Лойихавий сув ҳажми - 320 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 28 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
2.	Тўдакўл	II	Лойихавий сув ҳажми - 1389 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 11 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Шўркўл	III	Лойихавий сув ҳажми - 170 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 14,5 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
4.	Аму-Бухоро машина канали (АБМК)	II	Сув ўтказиш қобилияти - 350 м ³ /с Узунлиги - 197 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
5.	АБМК бош иншооти	II	Сув ўтказиш қобилияти - 350 м ³ /с	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
6.	Хархур	II	Сув ўтказиш қобилияти - 140 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Тошработ	III	Сув ўтказиш қобилияти - 402 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Хачкаб	II	Сув ўтказиш қобилияти - 59,6 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
Насос станциялари				
9.	Аму-Бухоро - 1	III	Сув чиқариш қобилияти - 68,8 м ³ /с Агрегатлар сони - 9 та	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
10.	Аму-Бухоро - 2	III	Сув чиқариш қобилияти - 105 м ³ /с Агрегатлар сони - 10 та	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Куйимозор	III	Сув чиқариш қобилияти - 100 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
12.	Қоровулбозор	III	Сув чиқариш қобилияти - 22 м ³ /с Агрегатлар сони - 5 та	Сув хўжалиги вазирлиги
13.	Олот	III	Сув чиқариш қобилияти - 40,5 м ³ /с Агрегатлар сони - 7 та	Сув хўжалиги вазирлиги
14.	Қоракўл	III	Сув чиқариш қобилияти - 35,4 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
15.	Куйимозор ёрдамчи	III	Сув чиқариш қобилияти - 36,6 м ³ /с Агрегатлар сони - 12 та	Сув хўжалиги вазирлиги
Коллекторлар				
16.	Марказий Бухоро	III	Сув ўтказиш қобилияти - 40 м ³ /с Узунлиги - 126,8 км	Сув хўжалиги вазирлиги
17.	Денгизкўл	III	Сув ўтказиш қобилияти - 35 м ³ /с Узунлиги - 56,6 км	Сув хўжалиги вазирлиги
18.	Оғитма ташламаси	III	Сув ўтказиш қобилияти - 40 м ³ /с Узунлиги - 68,7 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Жиззах вилояти				
Сув омборлари				
1.	Жиззах	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 100 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 25 м Куйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
2.	Қоровултепа	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 53 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 40 м Куйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Зомин	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 52 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 74 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
4.	Хўжамушкент	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 8 млн.м ³	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
			Тўғон баландлиги - 44,5 м Ўзанли	
5.	Сармич	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 4,3 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 32 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Арнасой	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 1000 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 12 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Оқбулоқ	IV	Лойиҳавий сув ҳажми - 1,8 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 20,0 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
8.	Жиззах-1 сув тақсимоти иншооти	III	Сув ўтказиш қобилияти - 540 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
9.	Жиззах-4 сув тақсимоти иншооти	III	Сув ўтказиш қобилияти - 540 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
Канал				
10.	ДМ - 1 канали ПК317+00 дан ПК987+00 гача	III	Сув ўтказиш қобилияти - 38,6 м ³ /с Узунлиги - 67,0 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Насос станциялари				
11.	Жиззах бош насос станцияси ДМ - 1 канали билан ПК0 - 317+00 гача (ЖБНС)	II	Сув чиқариш қобилияти - 137,7 м ³ /с Агрегатлар сони - 7 та	Сув хўжалиги вазирлиги
12.	Жиззах-2 НС	III	Сув чиқариш қобилияти - 90,8 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
13.	Жиззах-3 НС	IV	Сув чиқариш қобилияти - 22 м ³ /с Агрегатлар сони - 4 та	Сув хўжалиги вазирлиги
14.	Арнасой-1 НС	IV	Сув чиқариш қобилияти - 34,6 м ³ /с Агрегатлар сони - 14 та	Сув хўжалиги вазирлиги
15.	Арнасой-2 НС	IV	Сув чиқариш қобилияти - 33,7 м ³ /с Агрегатлар сони - 12 та	Сув хўжалиги вазирлиги
16.	Арнасой-3 НС	IV	Сув чиқариш қобилияти - 18 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
Коллекторлар				
17.	Жиззах бош зовури	III	Сув ўтказиш қобилияти - 92 м ³ /с Узунлиги - 68км	Сув хўжалиги вазирлиги
18.	Қили зовурида жойлашган иншоот (шаршара)	III	Сув ўтказиш қобилияти - 335 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
Қашқадарё вилояти				
Сув омборлари				
1.	Ҳисорак	I	Лойиҳавий сув ҳажми - 170 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 138,5 м Ўзанли	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
2.	Чимқўрғон	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 500 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 33 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Пачкамар	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 260 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 71 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
4.	Қалқама	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 9,4 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 21 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Дехқонобод	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 34,9 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 48,6 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Қизилсув	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 9,0 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 32,3 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Лангар	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 7,3 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 34 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Шўробсой	IV	Лойиҳавий сув ҳажми - 2,0 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 12 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
9.	Қамаши	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 25,0 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 14,9 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Янгикўрғон	IV	Лойиҳавий сув ҳажми - 3,3 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 16 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Нўғайли	IV	Лойиҳавий сув ҳажми - 2,5 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 13,5 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
12.	Қорабоғ	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 7,5 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 31,5 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
13.	Талимаржон	I	Лойиҳавий сув ҳажми - 1525 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 35 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
14.	Шўртан	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 11,5 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 17 м Қуйилма	Энергитека вазирлиги “Шўртангазкимё” мажмуаси
15.	Гулдара	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 3,0 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 34 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
16.	Қарши магистрал канали	I	Сув ўтказиш қобилияти - 350 м ³ /с Узунлиги - 203 км	Сув хўжалиги вазирлиги
17.	Миришкор канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м ³ /с Узунлиги - 119 км	Сув хўжалиги вазирлиги
18.	Эски Анҳор канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 60 м ³ /с Узунлиги - 122 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
19.	Яккабоғ	III	Сув ўтказиш қобилияти - 510 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
20.	Оқ сув	II	Сув ўтказиш қобилияти - 240 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
21.	Ғузор	III	Сув ўтказиш қобилияти - 260 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
22.	Қарши	III	Сув ўтказиш қобилияти - 515 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
Насос станциялари				
23.	ҚМК-1 НС	I	Сув чиқариш қобилияти - 195 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
24.	ҚМК-2 НС	I	Сув чиқариш қобилияти - 195 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
25.	ҚМК-3 НС	I	Сув чиқариш қобилияти - 195 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
26.	ҚМК-4 НС	I	Сув чиқариш қобилияти - 195 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
27.	ҚМК-5 НС	I	Сув чиқариш қобилияти - 195 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
28.	ҚМК-6 НС	I	Сув чиқариш қобилияти - 195 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
29.	ҚМК-7 НС	III	Сув чиқариш қобилияти - 155 м ³ /с Агрегатлар сони - 7 та	Сув хўжалиги вазирлиги
Коллекторлар				
30.	Жанубий	II	Сув ўтказиш қобилияти - 65 м ³ /с Узунлиги - 103 км	Сув хўжалиги вазирлиги
31.	Шимолий	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 55 м ³ /с Узунлиги - 67,9 км	Сув хўжалиги вазирлиги
32.	Сичанкўл	II	Сув ўтказиш қобилияти - 43 м ³ /с Узунлиги - 61,3 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроэлектр станциялар				
33.	Ҳисорак ГЭС	I	Қуввати - 45 мВт, Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
Навоий вилояти				
Сув омборлари				
1.	Кўксарой	III	Лойиҳавий сув ҳажми 7,5 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 23,5 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
2.	Ўнг қирғоқ	II	Сув ўтказиш қобилияти - 45 м ³ /с Узунлиги - 49,8 км	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	АБК-2 иншоотлари билан	II	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м ³ /с Узунлиги - 38 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
4.	Кармана	III	Сув ўтказиш қобилияти - 550 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Навбаҳор	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 358 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Навоий ИЭС	I	Сув ўтказиш қобилияти - 600 м ³ /с	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ
Насос станциялари				
7.	Қизилтепа	II	Сув чиқариш қобилияти - 122 м ³ /с Агрегатлар сони - 10 та	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Қизилтепа-1	II	Сув чиқариш қобилияти - 41,6 м ³ /с Агрегатлар сони - 26 та	Сув хўжалиги вазирлиги
9.	Навоий	IV	Сув чиқариш қобилияти - 22,8 м ³ /с Агрегатлар сони - 12та	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Конимех-1	IV	Сув чиқариш қобилияти - 18,4 м ³ /с Агрегатлар сони - 9та	Сув хўжалиги вазирлиги
Коллекторлар				
11.	Дул-дул	III	Сув ўтказиш қобилияти - 20 м ³ /с Узунлиги - 48,8 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Наманган вилояти				
Сув омборлари				
1.	Чортоқ	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 30 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 21,5 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
2.	Эскиер	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 18,5 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 28 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Кўксераксой	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 6,4 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 41 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
4.	Варзик	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 18,2 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 39 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Жийдалийсой	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 47,7 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 65 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Ертикан	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 20 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 28 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Қорасув	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 3,0 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 25 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Резаксой	I	Лойиҳавий сув ҳажми - 300 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 90 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
9.	Шимолий Фарғона магистрал канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 110 м ³ /с Узунлиги - 135 км	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Катта Наманган магистрал канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 61,2 м ³ /с Узунлиги - 127 км	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Зардарё канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 70 м ³ /с Узунлиги - 48 км	Сув хўжалиги вазирлиги
12.	Қўшимча тўйинтириш канали (КДП), Ҳаққулобод сув узели, КАК бош иншооти	I	Сув ўтказиш қобилияти - 330 м ³ /с Узунлиги - 13,7 км	“Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
Гидроузеллар				
13.	Учкўрғон	I	Сув ўтказиш қобилияти - 2720 м³/с	“Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
14.	КФК бош иншооти билан	II	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м³/с	“Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
15.	Нанай	I	Сув ўтказиш қобилияти - 100 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
16.	Ғовосой	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 110 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
17.	Тешиктош	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 320 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
18.	Чодаксой	III	Сув ўтказиш қобилияти - 120 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
19.	Зардарё канали, бош қисми иншооти билан	II	Сув ўтказиш қобилияти - 75 м³/с	“Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
20.	Қуқимбой	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 330 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
Насос станциялари				
21.	Наманган	III	Сув чиқариш қобилияти - 40 м³/с Агрегатлар сони - 8 та	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроэлектр станциялар				
22.	ГЭС-8А	III	Қуввати - 6 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
23.	ГЭС-9А	III	Қуввати - 6 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
24.	Қамчиқ	II	Қуввати - 26,5 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
25.	Янгиариқ микро ГЭС	III	Қуввати - 0,3 мВт Агрегатлар сони - 1 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
26.	Чортоқ микро ГЭС	III	Қуввати - 0,8 мВт Агрегатлар сони - 3 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Самарқанд вилояти				
Сув омборлари				
1.	Каттакўрғон	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 900 млн.м³ Тўғон баландлиги - 31,2 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
2.	Қоратепа	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 24 млн.м³ Тўғон баландлиги - 36 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Тусунсой	II	Лойиҳавий сув ҳажми - 52,1 млн.м³	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
			Тўғон баландлиги - 42 м Ўзанли	
4.	Қорасув	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 29 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 15,2 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Собирсой	IV	Лойиҳавий сув ҳажми - 8 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 8,6 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Оқдарё	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 130 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 20 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Камангарон	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 1,5 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 32 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Акчабсой	III	Лойиҳавий сув ҳажми - 7,1 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 38 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
9.	Эски Туя-гартар канали	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 50 м ³ /с Узунлиги - 96 км	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Дарғом канали	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 180 м ³ /с Узунлиги - 92 км	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Нарпай канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 90 м ³ /с Узунлиги - 90 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
12.	Оқ-Қорадарё	II	Сув ўтказиш қобилияти - 880 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
13.	Нарпай	III	Сув ўтказиш қобилияти - 225 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
14.	Дамхўжа	III	Сув ўтказиш қобилияти - 560 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
15.	Ровотхўжа	II	Сув ўтказиш қобилияти - 1025 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроэлектр станциялар				
16.	ГЭС-2Б Хишров ГЭС	II	Қуввати - 26,6 мВт Агрегатлар сони - 3 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
17.	ГЭС-3Б Иртишар ГЭС	III	Қуввати - 6,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та <u>Микро ГЭС</u> Қуввати - 0,22 мВт Агрегатлар сони - 1 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
18.	ГЭС-1Б Толигулян-1	III	Қуввати - 3 мВт Агрегатлар сони - 2 та <u>Микро ГЭС</u> Қуввати - 0,44 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
19.	ГЭС-5Б Толигулян-2	III	Қуввати - 8,8 мВт Агрегатлар сони - 2 та <u>Микро ГЭС</u> Қуввати - 0,5 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
20.	Ургут ГЭС	III	Қуввати - 3 мВт Агрегатлар сони - 6 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
21.	Шаудар-2 (ПК-135) ГЭС	III	Қуввати - 7,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
22.	Шаудар-1 ГЭС	III	Қуввати - 7,2 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
23.	Дарғом каналнинг 102+00 пикетида КГЭС	III	Қуввати - 6,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Сирдарё вилояти				
Сув омбори				
1.	Гидротехника иншооти	I	Лойихавий сув ҳажми - 350 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 33 м Қуйилма	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Каналлар				
2.	Жанубий Мирзачўл	I	Сув ўтказиш қобилияти - 300 м ³ /с Узунлиги - 124 км	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Дўстлик	II	Сув ўтказиш қобилияти - 260 м ³ /с Узунлиги - 68,5 км	«Сирдарё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
4.	Дўстлик ўнг тармоқ	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 52 м ³ /с Узунлиги - 43 км	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Марказий тармоқ	II	Сув ўтказиш қобилияти - 164 м ³ /с Узунлиги - 20 км	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
6.	Марказий ўнг тармоқ	II	Сув ўтказиш қобилияти - 55 м³/с Узунлиги - 40 км	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Марказий чап тармоқ	II	Сув ўтказиш қобилияти - 65 м³/с Узунлиги - 38 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
8.	ЖМК бош иншооти ва 145 ПК даги иншооти билан	II	Сув ўтказиш қобилияти - 300 м³/с	«Сирдарё» хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
Коллекторлар				
9.	Шўрўзак	III	Сув ўтказиш қобилияти - 28 м³/с Узунлиги - 76,5 км	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Марказий Мирзачўл	II	Сув ўтказиш қобилияти - 136 м³/с Узунлиги - 76,4 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроэлектр станциялар				
11.	Фарход ГЭСи ГТИ мажмуи	I	Куввати - 128,2 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Сурхондарё вилояти				
Сув омборлари				
1.	Дегрез	IV	Лойихавий сув ҳажми - 12,8 млн.м³ Тўғон баландлиги - 12,7 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
2.	Оқ тепа	IV	Лойихавий сув ҳажми - 120 млн.м³ Тўғон баландлиги - 14 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Учқизил	IV	Лойихавий сув ҳажми - 160 млн.м³ Тўғон баландлиги - 12 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
4.	Жанубий Сурхон	II	Лойихавий сув ҳажми - 503 млн.м³ Тўғон баландлиги - 30 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Тўполанг	I	Лойихавий сув ҳажми - 500 млн.м³ Тўғон баландлиги - 185 м Ўзанли	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
6.	Хангарансой	IV	Лойихавий сув ҳажми - 7,62 млн.м³ Тўғон баландлиги - 45,0 м	Сув хўжалиги вазирлиги

T/p	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
			Ўзанли	
7.	Обширсой	IV	Лойиҳавий сув ҳажми - 0,8 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 18,0 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
8.	Шеробод машина канали (ШМК)	III	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м ³ /с Узунлиги - 88,2 км	Сув хўжалиги вазирлиги
9.	Аму-Занг канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 120 м ³ /с Узунлиги - 57 км	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Занг канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 86 м ³ /с Узунлиги - 53,8 км	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Боботоғ канали	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 30 м ³ /с Узунлиги - 43,1 км	Сув хўжалиги вазирлиги
12.	Жайхун канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 90 м ³ /с. Узунлиги - 18,1 км	Сув хўжалиги вазирлиги
13.	Ҳазарбоғ канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 110 м ³ /с Узунлиги - 53,6 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
14.	Тўполанг	I	Сув ўтказиш қобилияти - 600 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
15.	Жарқўрғон	I	Сув ўтказиш қобилияти - 1000 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
16.	Шеробод	I	Сув ўтказиш қобилияти - 525 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
Насос станциялари				
17.	Шеробод канали	III	Сув чиқариш қобилияти - 120 м ³ /с Агрегатлар сони - 6 та	Сув хўжалиги вазирлиги
18.	Аму-Занг-1 канали	II	Сув чиқариш қобилияти - 125 м ³ /с Агрегатлар сони - 5 та	Сув хўжалиги вазирлиги
19.	Аму-Занг-2 канали	II	Сув чиқариш қобилияти - 97 м ³ /с Агрегатлар сони - 8 та	Сув хўжалиги вазирлиги
20.	Жайхун канали	III	Сув чиқариш қобилияти - 95 м ³ /с Агрегатлар сони - 7 та	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
21.	Боботоғ канали	II	Сув чиқариш қобилияти - 30,4 м ³ /с Агрегатлар сони - 8 та	Сув хўжалиги вазирлиги
Коллекторлар				
22.	Сув ташлаш тракти (ВСТ)	IV	Сув ўтказиш қобилияти - 92,3 м ³ /с Узунлиги - 22 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроэлектр станциялар				
23.	Тўполанг ГЭС	I	Қуввати - 175 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
24.	Зарчоб ГЭС-1	II	Қуввати - 37,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
25.	Зарчоб ГЭС-2	II	Қуввати - 38,2 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Тошкент вилояти				
Сув омборлари				
1.	Оҳангарон	I	Лойихавий сув ҳажми - 200 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 100 м Ўзанли	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
2.	Тошкент	II	Лойихавий сув ҳажми - 250 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 36,5 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Чорвоқ	I	Лойихавий сув ҳажми - 2010 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 165 м Ўзанли	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Каналлар				
4.	Тошкент магистрал канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 87 м ³ /с Узунлиги - 61,6 км	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Чап қирғоқ Қорасув канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 200 м ³ /с Узунлиги - 89,9 км	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Паркент канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 57 м ³ /с Узунлиги - 88,5 км	Сув хўжалиги вазирлиги
7.	Ҳамдам канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 31 м ³ /с Узунлиги - 74 км	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Хон канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 27,4 м ³ /с Узунлиги - 44,1 км	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
9.	Жун канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 50 м³/с Узунлиги - 18,2 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
10.	Шархия	III	Сув ўтказиш қобилияти - 610 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Юқоричирчиқ	II	Сув ўтказиш қобилияти - 1600 м³/с	“Сирдарё” ҲСХБ
12.	Оққўрғон	III	Сув ўтказиш қобилияти - 1020 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроэлектр станциялар				
13.	ГЭС-6 Чорвоқ ГЭС	I	Қуввати - 666,0 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
14.	ГЭС-27 Хўжакент ГЭС	II	Қуввати - 165 мВт Агрегатлар сони - 3 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
15.	ГЭС-28 Ғазалкент ГЭС	II	Қуввати - 120 мВт Агрегатлар сони - 3 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
16.	ГЭС-8 Товоқсой ГЭС	II	Қуввати - 72 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
17.	ГЭС-7 Чирчиқ ГЭС	II	Қуввати - 84 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
18.	Камолат ГЭС	III	Қуввати - 38,2 мВт Агрегатлар сони - 4 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
19.	ГЭС-10 Оққовоқ ГЭС	II	Қуввати - 39,7 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
20.	ГЭС-15 Оққовоқ ГЭС-2	III	Қуввати - 9 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
21.	ГЭС-11 Қибрай ГЭС	III	Қуввати - 11,2 мВт Агрегатлар сони - 1 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
22.	ГЭС-3 Қадрия ГЭС	III	Қуввати - 15,3 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
23.	ГЭС-12 Салар ГЭС	III	Қуввати - 11,2 мВт Агрегатлар сони - 1 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
24.	ГЭС-1 Бўзсув ГЭС	III	Қуввати - 6 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
25.	ГЭС-21 Шайхонтохур ГЭС	III	Қуввати - 3,6 мВт Агрегатлар сони - 3 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
26.	ГЭС-4 Бўрижар ГЭС	III	Қуввати - 6,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
27.	ГЭС-9 Оқтепа ГЭС	III	Қуввати - 16,6 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
28.	ГЭС-14	III	Қуввати - 15 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
29.	ГЭС-18	III	Қуввати - 7 мВт Агрегатлар сони - 3 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
30.	ГЭС-19	III	Қуввати - 11,2 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
31.	ГЭС-23	III	Қуввати - 17,6 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
32.	ГЭС-22	III	Қуввати - 4,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
33.	Оҳангарон ГЭС	II	Қуввати - 21 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
34.	Туябугуз КГЭС	III	Қуввати - 11,4 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
35.	Эртошсой ГЭС	III	Қуввати - 2 мВт Агрегатлар сони - 2 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Фарғона вилояти				
Сув омборлари				
1.	Гидротехника иншооти	I	Лойихавий сув ҳажми - 350,0 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 24,0 м Қуйилма	Сув хўжалиги вазирлиги
2.	Каркидон	I	Лойихавий сув ҳажми - 216 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 70 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Қўрғонтепа	II	Лойихавий сув ҳажми - 28,6 млн.м ³ Тўғон баландлиги - 45 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
4.	Катта Фарғона магистрал канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 147 м ³ /с Узунлиги - 249 км	Сув хўжалиги вазирлиги
5.	Катта Андижон магистрал канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 200 м ³ /с Узунлиги - 109 км	Сув хўжалиги вазирлиги
6.	Жанубий Фарғона магистрал канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 110 м ³ /с Узунлиги - 119 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузеллар				
7.	Водил	II	Сув ўтказиш қобилияти - 390 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги
8.	Полмон	III	Сув ўтказиш қобилияти - 250 м ³ /с	Сув хўжалиги вазирлиги

T/p	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
9.	Сариқўрғон	II	Сув ўтказиш қобилияти - 360 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Кўкон	III	Сув ўтказиш қобилияти - 260 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
11.	Файзобод	III	Сув ўтказиш қобилияти - 340 м³/с	Сув хўжалиги вазирлиги
Коллекторлар				
12.	Аччиққўл	III	Сув ўтказиш қобилияти - 166 м³/с Узунлиги - 31,6 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Хоразм вилояти				
Сув омборлари				
1.	Туямўйин гидроузел комплекси	I	Лойихавий сув ҳажми - 7800 млн.м³ Тўғон баландлиги - 34 м Ўзанли	Сув хўжалиги вазирлиги
Каналлар				
2.	Туямўйин чапқирғоқ магистрал канали	I	Сув ўтказиш қобилияти - 250 м³/с Узунлиги - 21,1 км	Сув хўжалиги вазирлиги
3.	Туранги - сака канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 125 м³/с Узунлиги - 17,1 км	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
4.	Тошсака канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 500 м³/с Узунлиги - 32 км	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
5.	Қиличниёзбой канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 160 м³/с Узунлиги - 51,9 км	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
6.	Дарёлик-арна канали	II	Сув ўтказиш қобилияти - 60 м³/с Узунлиги - 38 км	Сув хўжалиги вазирлиги, “Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
7.	Байрам-сака канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 40 м³/с Узунлиги - 16,7 км	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
8.	P-7а канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 70 м³/с Узунлиги - 35 км	Сув хўжалиги вазирлиги
9.	P-8 канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 60 м³/с Узунлиги - 27 км	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Шовот канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 150 м³/с Узунлиги - 73 км	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси

Т/р	Иншоотлар номи	Синфи	Асосий техник кўрсаткичлари	Фойдаланувчи ташкилот (вазирликлар ва идоралар)
11.	Полвон-Ғозовот канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 130 м ³ /с Узунлиги - 35 км	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
12.	Полвон канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 60 м ³ /с Узунлиги - 13 км	Сув хўжалиги вазирлиги
13.	Гурлан тармоғи канали	III	Сув ўтказиш қобилияти - 50 м ³ /с Узунлиги - 27 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроузел				
14.	Урганч-арна	II	Сув ўтказиш қобилияти - 60 м ³ /с	“Амударё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
Коллекторлар				
15.	Кўлларни мувозанатлаштирувчи	II	Сув ўтказиш қобилияти - 140 м ³ /с Узунлиги - 233 км	Сув хўжалиги вазирлиги
16.	Диванқўл	III	Сув ўтказиш қобилияти - 80 м ³ /с Узунлиги - 40,3 км	Сув хўжалиги вазирлиги
Гидроэлектр станциялар				
17.	Туямўйин ГЭС	I	Қуввати - 150 мВт Агрегатлар сони - 6 та	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
Дарё химоя дамбалари				
18.	Амударё қирғоқ химоя дамбалари	II	1, 2, 3 қатор химоя дамбалари узунлиги - 826 км, 119 та шпора	Сув хўжалиги вазирлиги

Изоҳ. Мазкур рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгаши хулосасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 27 ” сентябрдаги 500-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон қарорида:

2-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилансинки, I, II ва III синфга мансуб ўта муҳим гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлаши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Сувхўжаликназорат” инспекцияси) томонидан, III синфдан паст бўлган гидротехника иншоотлари бўйича эса – иншоотларнинг мансублигига кўра Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади”;

3-банддаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги”, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси, “Давсувхўжаликназорат” сўзлари тегишлича “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги”, “Сув хўжалиги вазирлиги”, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “Сувхўжаликназорат” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Давлат мулки бўлган, республика, минтақа, сув хўжалиги ва энергетика тизимига кирувчи I, II, III синфга мансуб ўта муҳим гидротехника иншоотлари, шунингдек, рўйхати “Сувхўжаликназорат” инспекцияси билан келишган ҳолда декларация қиладиган ташкилот томонидан белгиланадиган, фавқулодда вазиятларда юқори даражада хавф солувчи III синфдан паст бўлган гидротехника иншоотлари декларация қилиниши керак”;

5 ва 17-бандлардаги “Давсувхўжаликназорат” сўзи “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин;

2-илованинг 12 ва 13-бандларидаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорида:

1-иловада:

37-банднинг Шакллантириш манбаи устун иккинчи қаторидаги “ва сув” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 48-банд билан тўлдирилсин:

“

48.	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан ваколат доирасида қўлланиладиган жарималардан тушадиган маблағлар	70
-----	---	--	----

”

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон катта тўғонлар миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2011 йил 25 мартдаги 88-сон қарорида:

4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Сувхўжаликназорат” инспекцияси) Миллий қўмитанинг ижро этувчи органи ҳисобланади”;

учинчи хатбошидаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин;

2-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Сувхўжаликназорат” инспекцияси) Миллий қўмитанинг ижро этувчи органи ҳисобланади”;

13 ва 18-бандлардаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин;

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарорида:

1-иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси, Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар”;

48-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар реестри белгиланган тартибда назоратни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармаларига (сунъий сув объектларидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида), шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тегишли органларига (табiiй сув объектларидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида) берилади”;

58-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси” сўзлари “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

61-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан – сунъий сув объектларидан сув олишда”;

учинчи хатбошидаги “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг” сўзлари “Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

63-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

66-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси” сўзлари “ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

67-бандда:

учинчи хатбошидаги “40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“70 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига”;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ушбу банднинг тўртинчи хатбошида кўрсатиб ўтилган маблағлардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланади”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 14 августдаги 231-сон қарорига илованинг 15-банди “17” кичик бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сувхўжаликназорат” инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 21 декабрдаги 1009-сон қарорида:

1-иловада:

13-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (кейинги ўринларда – Гидрометеорология хизмати агентлиги), Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – “Сувхўжаликназорат” инспекцияси) худудий бошқармалари”;

24-банддаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари
“Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарорига 8-илованинг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиқишга (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузишга, иш кўзғашга) ваколатли органлар классификатори жадвали қуйидаги мазмундаги 280¹-позиция билан тўлдирилсин:

“

280 ¹	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органлари
------------------	--

”

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорида:

1-иловада:

11-бандда:

“а” кичик банддаги “ва сув” сўзлари чиқариб ташлансин;

“ё” кичик банд чиқариб ташлансин;

12-бандда:

“а” кичик банддаги “ва сув” сўзлари чиқариб ташлансин;

“ё” кичик банд чиқариб ташлансин;

“й” кичик бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасидан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш”;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

14-банднинг иккинчи хатбошисидаги “сувдан фойдаланиш ҳолати,” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-иловада:

4-банднинг учинчи хатбошисидаги “ва сув” сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “2019 – 2023 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 сентябрдаги 794-сон қарорининг рус тилидаги матнида 5-илова 30-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

30.	Здания и сооружения Управления электрических сетей “Аму Бухарского” машинного канала (кроме административного здания)	2,6	5 110	“Аму Бухарский” машинный канал, Министерство водного хозяйства	Каганский район, ССГ “Туткунда”	Передача хокимияту на праве оперативного управления
-----	--	-----	-------	--	--	---

”

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарорида:

1-иловада:

58-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“58. Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг соҳил бўйидаги тупроқ уюмлари эгаллаган майдонлар улардан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда фуқаролар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа ташкилотларга ўз маблағлари ҳисобидан тупроқ уюмларини олиб ташлаш ёки текислаш ишларини бажариб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, тупроқ уюмларини қурилиш материаллари сифатида ишлатиш учун муддатли (вақтинча) фойдаланишга ёки ижарага шартнома асосида берилиши мумкин”;

86-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдаги 982-сон қарорининг 8-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 мартдаги 155-сон қарори билан тасдиқланган Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 22 майдаги 310-сон қарорининг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда сувнинг ҳисоб-китоби юритилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, жойларда мақсадли ўрганишлар ўтказсин ҳамда ҳар чорак якуни бўйича бажарилган ишлар тўғрисида Сув хўжалиги вазирлигига ахборот тақдим қилиб борсин”.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 декабрдаги 792-сон қарори билан тасдиқланган Республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларни доимий амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

17, 18 ва 19-бандлардаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин;

Низомга иловада:

“4-босқич” позицияси учинчи устунидаги ҳамда “5-босқич” позицияси иккинчи устунидаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорида:

2-банднинг “е” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда жорий этилган сувни тежайдиган технологияларидан ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби талаблари бажарилиши бўйича доимий назоратни амалга ошириш ҳамда натижаси бўйича ҳар чорак якуни билан Сув хўжалиги вазирлигига маълумот киритиб боришга масъулдир”;

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомда:

20-банднинг саккизинчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман (Кувасой шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда – Инспекциянинг туман бўлими)” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илованинг 4-банди чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон қарорида:

4-банднинг биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди иккинчи хатбошисидаги ва Низомга 3-иловадаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 8 апрелдаги 190-сон қарорида:

5-банднинг биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

18-банднинг биринчи хатбошисидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илованинг “8-босқич” позицияси иккинчи устундаги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг минтақавий марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 апрелдаги 191-сон қарорида:

куйдаги мазмундаги 8-банд билан тўлдирилсин:

“8. Белгилансинки, институтнинг илмий ва раҳбар ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади”;

8-12-бандлар тегишлича 9-13-бандлар деб ҳисоблансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 10 апрелдаги 199-сон қарорининг 7 ва 19-бандларидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир айрим қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 17 сентябрдаги 573-сон қарорида:

1-бандда:

“б” кичик банд чиқариб ташлансин;

“ж” кичик банддаги “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг таркибига кирувчи” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-иловада:

10-бандда:

учинчи хатбошидаги “Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги” сўзлари “Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбошидаги “Ўнг қирғоқ коллекторидан фойдаланиш бошқармаси;” сўзлари чиқариб ташлансин;

йигирма тўртинчи хатбошидаги “Сувлойиҳа” давлат унитар корхонаси;” сўзлари чиқариб ташлансин;

йигирма олтинчи хатбошидаги “Ботиометрик марказ” давлат унитар корхонаси;” сўзлари чиқариб ташлансин;

12-бандда:

“Г” кичик банднинг тўртинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда – “Сувхўжаликназорат” инспекцияси) сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмаларини кўриб чиқади ҳамда сув хўжалиги объектларининг устуворлигини белгилайди”;

олтинчи хатбошидаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин;

“е” кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин;

43-бандда:

саккизинчи хатбошидаги “Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи хатбошидаги “2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” сўзлари “2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банднинг ўн тўққизинчи хатбошисидаги “2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” сўзлари “2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

45-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“45. Вазирнинг сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича масъул бўлган ўринбосарининг асосий функционал мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

вазир ва вазирнинг биринчи ўринбосари вақтинчалик бўлмаган ҳолларда тегишли буйруқ асосида вазир вазифасини бажариш;

Вазирликнинг ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари билан тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс чора-тадбирларнинг бажарилишини ўзи бошқарадиган йўналиш бўйича танқидий ва чуқур таҳлил қилиб бориш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига асосан Вазирликнинг ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалари фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш учун комплекс амалий чораларни амалга ошириш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши учун шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўриш;

ўз фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

Вазирлик Ҳайъати қарорлари, вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалар раҳбар ва ходимларини танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича вазирга таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, билим даражаси, амалий тажрибаси ва юқори даражадаги

ишчанлик ва ахлоқий-маънавий фазилатлари кафолатланганлигини таъминлаш, ходимларнинг касбий малакасини ошириш, ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмаларда ходимлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалар томонидан қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг тўлиқ ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, уларни вазирнинг кўриб чиқиши ва виза қўйиши учун батафсил кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, шунингдек, вазирнинг топшириғига асосан қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати йиғилишида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

хизмат сафарларига боришни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланган, самарали ва натижали бўлишини, хизмат сафари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарали ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиб бориш, Вазирлик Ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалари асосида зарур чоралар кўриш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалар фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни вазирга тақдим этиш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалар раҳбар ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимларида қолишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида вазирга таклифлар киритиш, уларнинг функционал мажбуриятлар ва юкланган вазифаларни бажариши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ўзи бошқарадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Вазирлик тизимида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ–419-сон Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, уларнинг юзага келишига шароит яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат сирлари ва махфий маълумотлар тоифаларига киритилган ахборотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиш;

сув хўжалиги соҳасида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилишга замонавий технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

сув хўжалигида капитал қурилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган устувор инвестиция лойиҳаларини ошкоралик асосида танлаш, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва бош пудрат ташкилотларини танлов (тендер) асосида аниқлашни ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштирилишини ташкил қилиш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертиза қилиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқишга хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини кўриш;

сув хўжалигини механизациялаштириш ишларини шакллантиришда Вазирликнинг ягона сиёсатини олиб бориш ва соҳани ривожлантиришни ташкил этиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ вазир ўринбосарига бошқа функционал мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин”;

50-банднинг ўн тўртинчи хатбошисидаги ва 51-банднинг еттинчи хатбошисидаги “2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” сўзлари “2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

74-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

86-банднинг биринчи хатбошисидаги “Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги” сўзлари “Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

89-банддаги “Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илова чиқариб ташлансин;

3-иловада:

8-банднинг “д” кичик банди тўртинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг ўнинчи хатбошисидаги “2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” сўзлари “2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловада:

2-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлик марказий аппарати, Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимларини ҳамда зарур ҳолларда Вазирликнинг бюджетдан молиялаштириладиган тизим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш”;

3-банднинг учинчи хатбошисидаги “30 фоизи” сўзлари “70 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг “в” кичик банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) Вазирлик марказий аппарати, Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимларини ҳамда зарур ҳолларда Вазирликнинг бюджетдан молиялаштириладиган тизим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ходимларнинг ички туризмга юбориш билан боғлиқ харажатларини қоплаш”;

8-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарат ходимларини” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-иловада:

3-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Вазирлик марказий аппарати, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимлари, Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази марказий аппарати ходимлари ҳамда зарур ҳолларда Вазирликнинг бюджетдан молиялаштириладиган тизим ташкилотлари ходимлари мукофотланади ва уларга моддий ёрдам кўрсатилади”;

4-банддаги “Вазирлик ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлик марказий аппарат ходимлари, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази марказий аппарати ходимлари 1 январь – Янги йил, 8 март – Хотин-қизлар куни, 21 март – Наврўз байрами, 9 май – Хотира ва кадрлаш куни, 1 сентябрь – Мустақиллик куни, 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни, 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, диний байрамлар – Рўза ҳайити (Ийд-ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд-ал-Адха) ҳамда касб байрами (қишлоқ хўжалиги ходимлари куни) муносабати билан лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) бир бараваригача миқдорида рағбатлантирилади”;

6-банддаги “200” рақами “300” рақами билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Вазирлик ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги” сўзлари “Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-илованинг номидаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг таркибига кирувчи” сўзлари чиқариб ташлансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги 314-сон қарорида:

2-бандда:

4-кичик банддаги “Мирзаев Акмал Арзиевич” сўзлари “Лавозимига кўра” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-кичик банддаги “– Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги директори” сўзлари чиқариб ташлансин;

8-кичик банддаги “Камалов Бахтиёр Баходирович – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори” сўзлари “Ирисбоев Зафар Абдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги “Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев” сўзлари “Сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фазовий маълумотлар соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 27 октябрдаги 620-сон қарорига 1-илованинг 36-банди йигирма иккинчи хатбошисидаги “Давсувхўжаликназорат” давлат” сўзлари “Сувхўжаликназорат” сўзи билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 27 ” сентябрдаги 500-сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 17 августдаги 525-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир айрим қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 17 сентябрдаги 573-сон қарорига 2-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2022 йил 18 июлдаги 388-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.

